



О‘ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

5
2021

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

Боши муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Раҳматулла БАРАКАЕВ
Наим КАРИМОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдана ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
(боши муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр НАЗАРОВ
(боши муҳаррир ўринбосари)
Ёрқинжон ОДИЛОВ
Эргаш ОЧИЛОВ
(масъул котиб)
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТЎХЛИЕВ
Алмаз УЛВИЙ
Дурдана ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Курдош ҚАҲРАМОНОВ
Улугбек ҲАМДАМОВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

**ИСАЖОН СУЛТОННИНГ "ОЗОД" РОМАНИДА
РАМЗИЙЛИК**

Муайян асар бадиияти ҳақида сўз борганда, энг аввало, унинг композицион қурилмасига, ёзувчи бадиий маҳорати ҳақида фикр юритилганда эса композиция яратиш маҳорати ва услубига алоҳида аҳамият қаратилиди. Замонавий ўзбек адабиётида ўзига хос композицион қурилмасига эга бўлган романлар орасида Исажон Султоннинг "Озод" романи алоҳида аҳамият касб этади. Асар мазмуни, шакли, фояси, тили ва бадииятида янгича талқинлар кўзга ташланади. Роман бошидан охиригача рамзий ифодалар билан зийнатланган. Инсоннинг руҳий-маънавий олами ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар ҳаётнинг энг долзарб, бироқ ҳар қадамда илғаб бўлмас нозик маъноларидан баҳс юритади. Роман сўзнинг қудрати, моҳияти, сехри ва жилваларига бағишлиланган бўлиб, унинг инсон ҳаётидаги ўрни, ҳаётнинг акси сўзда эканлиги ва айтилган сўзнинг дунёни ўзгартира олиш кучига эга эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Озод исмли бир ўсмир йигит тоғ чўйқиларида ўсган баҳт лоласини олиб келиш ва абадий ҳузур-ҳаловат рамзи бўлган хумо қушини топиш учун йўлга чиқади. Озоднинг манзилга етиб бориши эса олдиндан башорат қилинган. Бу йўлда у жуда кўп синовларни бошидан ўтказиб, ҳар бир тегирмон чархпалагидан айлананаётганида ниманингдир аксини (ҳақиқий аксини) кўриш баҳтига мушарраф бўлади. Барча акслар билан танишиб, энг муқаддас зот Инсон эканлигини англагач, бошқа унсурларга ҳам мўътабарлик мақомини беради. Ўз номига лойиқ бўлиб, камолот сари қадам ташлайди.

Асарнинг умумий сюжетини композицион қурилмасига кўра қуйидаги уч боб ташкил этади: "Биринч акс", "Иккинчи акс", "Учинчи акс". Ҳар бир аксда асар қаҳрамонларини қайта-қайта учратамиз ва улар ўзликлари орқали англашиб келаётган мазмун-моҳиятни тушуниб борамиз. Асадаги ҳар бир ҳикоя ўзига хос маъно қирраларини очишга хизмат қиласи, бир сўз билан айтганда, "Озод" романини маънолар ҳақидаги ёки ўзликни англаш йўлидаги фалсафий-дидактик асар дейиш мумкин. Романда ўзбек миллатигагина хос бўлган қадрияtlар, урф-одатлар ва тасаввуфий руҳдаги фикрлар, узоқ ва яқин ўтмишдаги аждодларимизни ёд этиш, ҳаётнинг ўзи асл ҳикматдан иборатлиги ҳақида сўз боради. Ота-она ва фарзанд муносабати, отага тик бокмаслик, уни ҳурмат қилиш, онани эъзозлаш, ота-онанинг эса фарзанд учун нечоғлик жон куйдириши, ҳаттоқи этагига олов саҷраган аёл учун танасининг ёнаётганидан кўра йифлаётган ўғлининг ҳолати қўрқинч эканлиги, нуридийдаси учун жонини ҳам бермокқа тайёр эканлиги ниҳоятда таъсири тарзда ўз ифодасини топган. Ёзувчи таъбирича, теварагимиздаги дунё асли событ ва ўзгармас, унда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар аксланади, чунки инсон уларга қиймат беради. У қиймат берган нарса қадрли, қиймат бермагани қадрсиз. Шу аснода, йўлида учраган аксларни кўрган Озод тафаккурида турли хил фалсафий руҳдаги фикрлар жўш уради, бу фикрлар орқали унинг манзили ойдинлашиб, маънолар оламининг асл аксларини илғаб боради. "Лекин онангнинг иззати отангдан юз чандон улуғ демоқдалар-

ку? Нима учундир, ҳар нарсанинг бошида ота бўлгани ҳолда, онага янам зиёда иззат қўрсатиш талаб қилинмоқда-ку? Ҳа, ҳақиқатан ҳам ғалати чарх бу: болага "онангни иззат қил" дейилса, онага "эгангга бўйсун" дейилмоқда, ўғил эрта бир кун улғайиб, ўзи ота бўлгани маҳал, онасиға қўрсатган иззат-эҳтиромининг ўз жуфтидан қайтганига шоҳид бўлса, қиз турмуш қурганида хўжасига қўрсатган эҳтиромининг аксини боласидан кўрмоқда...¹.

Аслида мақсад фақат манзилга етишда эмас, балки мана шу масофа давомидаги маъноларнинг англаниши ва уни идрок қилинишида. Инсоннинг ҳузур-ҳаловатга, баҳтга эришиши ҳам унинг маънавий-руҳий камолотга етиши билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асар замираидан ифодаланади. Шу тарика ёзувчи романда дунёнинг юксалиши беҳуда, инсоннинг руҳий юксалиши муҳим, деган ғояни илгари суради.

Турли мақсадларда ва турли хил йўсинда асарлар яратилаётган бугунги илғор адабий жараёнда роман ғояси энг долзарб масалалардан бири саналади. Илмий-назарий адабиётларда ғояга қўйидагича таъриф берилган: "Санъатнинг тасвир обьекти устидан чиқарган "хукми" – унинг ғоясидир. Фоя – санъат асарида қўйилган ва ёритилган масалалардан келиб чиқадиган мантиқий холоса"². Шунга мувофиқ тарзда айтиш мумкинки, муаллиф томонидан танланган мавзу асар ғояси билан узвий боғлиқ бўлади. Ёзувчи роман сюжети учун ҳаётий ҳақиқатни асос қилиб олади ва унинг у ёки бу жиҳати ҳақидаги фикрларини китобхонга етказмоқчи бўлади. Шу фикрни асардаги образлар фаолиятига, қўйилган масалалар замирига сингдириб юборади. Ўқувчи асар билан танишиб чиққач, воқеа-ҳодисалар талқинидан, характерлар мантиғидан ғояни топиб олади. Фоя асар мазмунига қанчалик чуқур сингдирилган бўлса, унинг бадиий таъсирчанлиги, етуклиги, пухта ва пишиқлиги, эмоционаллиги шу қадар кучли бўлади. Исажон Султон ҳам "Озод" романнда илгари сурاءтган ғояни, инсон ўзини ўзи англаш йўлидаги манзил, маъно ва мазмунни ўзига хос ифода йўсини орқали ноањанавий тарзда китобхонга тақдим этади. Асар поэтикаси, хусусан, унинг сюжети, композицияси, шакли, мазмунини аниқлаш, асар тили ва ундаги бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши муаллиф маҳоратидан далолат беради. Ижод жараёнидаги бундай ҳолат ёзувчининг индивидуал услугба эга эканлигини қўрсатади. Зеро, услубнинг юзага келиши ижодкор шахсининг бадиий тафаккур типига боғлик.

Асардаги ҳар бир персонаж нутқи соф адабий тилда бўлиб, уларга қуюқ ва ўзига хос маъно юкланган. Ҳар бир сўз ўз қийматига эга бўлгани ҳолда, асар ғояси, қаҳрамонлар характерини очишга хизмат қиласиди. Донишмандлик рамзи сифатида талқин этилган шамол образи нутқига эътибор берсак, кўз олдимизда чинакам донишманд, улуғ сиймо гавдаланади: "Румузнинг остида ҳикмат бор, – деб жавоб берди шамол. – Сен ўша ҳикматнинг ҳам тубига бок. Фитратингнинг пардалари остидаги яна бир парда очилса, тамомила бошқа ҳодисаларни кўра бошлайсан" (250). Романда тасвирланган шамол образи бош қаҳрамон Озоднинг ҳамроҳ дўсти, ҳам устози, ҳам ровий, ҳам табиатнинг

¹ Султон И. Озод. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2018, 194-бет. Асардан келтириладиган кейинги мисолларнинг сахифаси қавс ичida қўрсатилиди.

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2004, 102-бет.

бетаккор кучидир. Озодни Учёнгоқдан Искандар тоғигача етиб бориш манзилида, юрар йўлида етакчилик қиласди.

Асар муқаддимасида "Фалончи йўлга чиқиб, фалон манзилга борди" деган гап дарчага ўхшайди, ундан боқсанг, ортида мен айтган нарсаларни кўра оласан. Дарча зохир, ортидагилар ботиндир..." (146) дейилади. Ана шу дарча ортидаги ботиний рамзларни илғашга уринамиз. Шамолни юқорида донишмандлик рамзи деб эътироф этдик, асардаги аёллар, умумий ҳолда, кутбарака ва насл давом этишининг рамзи, яъжуж-маъжужлар – гуноҳ рамзи, мардуллар ва муртад – гуноҳкор, лола – баҳт, хумо қуши – тўкинлик, отлар эса меҳр-оқибатнинг тимсоли сифатида ифодаланган. Озод қир этагидаги кўм-кўк майсаларга қаратा "Ассалому алайкум, эй Аҳли Маъни" деганида ҳам аслида у майсаларга эмас, маъноларни илғаган, айтиб кетган ва ўзлари ҳам аллақачон маъноларга айланишга улгурган буюк даҳолар, чинакам истеъод соҳибларини назарда тутади. Бунга асарнинг турфа ўринларидағи турли ишораларда ҳам гувоҳ бўламиз. "Баъзи кишилар билиб-бilmай ҳикмат айтадилар. Умр оқар сувдир, деган ҳикмат донишманднинг эмас, халқнинг сўзидир. Бу ҳодисада донишманд ҳам авомга ўхшаб умрнинг сувдай оқишини кўради дейишишинг хато, чунки бу ерда сув – донишманднинг ўзидир" (146). "Кўр киши" ҳикоясидаги қахрамон (кўр киши) Озодга шундай дейди: "У бир бекнинг наъматаги эди, – деди кўр, – ҳалиям чайқалиб турган бўлса керак, ўша ёққа ўтиб қолсанг, хабар олиб қўярсан. Айтмоқчи, йўлингда бир мажнунтолни ҳам кўрасан, у оддий толлардан эмас, тинмай кўз ёши тўkkани тўккан. Уларни дуо қилиб ўт, ҳар ҳолда савобга зор бўлсалар ажабмас" (159). Агар китобхон эътибор қилмаса, ёзувчи бу ерда ишора қилаётган ижодкорларни пайқамаслиги мумкин. Чайқалиб турган наъматак аслида Ойбекдан, тинмай кўз ёши тўкаётган мажнунтол эса Миртемирдан дарак беради. Шу тариқа йўл давомида Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб сиймоларини, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ш.Раҳмон, М.Юсуф ва яна кўплаб ижодкорлар мисраларини ва улар англатган маъноларни китобхон онгу шуурига сингдиради. Асар сўнгига ҳам Озод англаб етган ҳақиқатлар эътирофи қумга кўмилиб ётган кўза тилидан қуйидаги тарзда ифода этилади: "Илоҳи, акрам ул-акрамин – Сен, ва гуноҳкор – мен. Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ, аммо Сендин ўзга ҳам кишим йўқ... Илоҳи, чун ҳар не қилилур Сенга тақдирдур, қилғучига қилмоқта не тадбирдур... Илоҳи, қаламимға ҳамдинг рақамиға машғуллик бер ва рақамиға халойик кўнглига мақбуллик бер..." (325). Ёзувчи айтмоқчи бўлган ҳикмат сўзларини Навоий тилидан айтади ва бунинг натижасида асарнинг ўзига хос таъсирчанлиги ва жозибасини янада оширади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзига хос мазмун ва шаклга эга бўлган мазкур роман нафакат муаллиф ижодига, балки замонавий ўзбек насрига ҳам янгича услуб, янгича оҳанг, янгича рухни олиб кирди. Ҳаётнинг бош мезони саналмиш маънавий камолот сари дадил қадам ташлашга ундовчи бу асар инсоннинг руҳияти ва тафаккуридаги ғалаёнларни тарбиялайди, адабиёт ихлосмандларининг эстетик тафаккурининг ўстиради, айниқса ёш авлодни миллий маънавиятимиз руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада адабиётшуносликдаги рамзийлик, мавзу ва маъно тушунчалари Исажон Султоннинг "Озод" номли романни композицияси мисолида тадқик этилади. Рамзийлик ва маъно тушунчалари асаардаги образлар орқали ёритиб берилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье исследуются понятия символичность, тема и смысл в литературоведении на примере композиции романа Исаджана Султана "Озод". Понятия символичность и смысл освещаются посредством образов романа "Озод".

RESUME. In this article, the concepts of symbolism, theme, and meaning in literature are explored by the example of the composition of the novel "Ozod" by the writer Isadjon Sultan. The concepts of symbolism and meaning are illuminated by the images in the work.

Таянч сўз ва иборалар: композиция, гоя, сюжет, унсур, услугуб, ҳикоя, рамзийлик, мавзу, маъно, мазмун, ифода, сўз, образ, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: композиция, идея, сюжет, элемент, стиль, рассказ, символичность, тема, смысл, содержание, выражение, слово, образ, мастерство.

Key words and word expressions: composition, idea, plot, element, style, story, symbolism, theme, meaning, content, expression, word, image, skill.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Д.Лутфуллаева. Ўзбек тилшунослигининг янги тараққиёт босқичи.....	3
Ё.Одилов. Мустакиллик даври ўзбек лексикографияси тараққиёти.....	12
М.Юлдашев. Ўзбек тилида ретронимлар.....	19
А.Бегматов. Ўзбек тили ва Олтин Ўрда.....	23

Адабиётшунослик

З.Қобилова. Амирий ижодида фольклор мотивлари.....	31
Х.Ҳамроқулова. Абдулла Қаҳхорнинг адабий-эстетик қарашлари.....	35
О.Олтинбек. Рауф Парфи сонетларининг каноник табиати.....	40
Ш.Назарова. Янги ўзбек шеъриятининг шаклланишида баёз ва мажмуаларнинг ўрни.....	45
Х.Ҳамидов. Яқин тиллардан таржиманинг ўзига хосликлари.....	51

Илмий ахборот

Б.Ражабова. Алишер Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий.....	56
А.Холмуродов. Амиркул Пўлкан шеърлари хақида.....	61
Г.Худоёрова. Абдулла Орипов шеърларида лирик кечинма	65
Ҳ.Юлдашева. Миллий рух талқинида поэтик мазмун ва шаклнинг ўрни.....	69
Л.Шарипова. Замонавий шеъриятда ёмғир образи.....	73
Н.Мўминова. Халқ инонч айтимларининг ўрганилишига доир.....	76
О.Кучкаров. Поэтик мотивларнинг прагматик хусусиятлари.....	80
Д.Қаландарова. Карл Райхл тадқиқотлари таснифи.....	86
Н.Турсунова. Муқимий маҳоратининг баъзи кирраларида доир.....	91
И.Саймуратова. Исажон Султоннинг "Озод" романида рамзийлик.....	95
Ҳ.Тўрабоева. Фирдавсий ижодининг Англияда ўрганилиши.....	98
Ш.Искандарова, Р.Жўраева. Муқимий шеърларида ўхшатишлар.....	101
М.Раҳматов. Алишер Навоий ғазаларида нутқий субъект.....	105
Э.Жабборов. Махмудхўжа Беҳбудийнинг лингвистик қарашлари.....	112
А.Ҳасанов. Лексик синонимиянинг замонавий талқини.....	116
М.Набиева. Терминларнинг формал-грамматик хусусиятлари хақида.....	120
Ҳ.Раҳмонов. О.Матжон шеърларида "қора" ранг билдирувчи лексема ассоциацияси.....	123
Д.Файзуллаева. Халқ достонлари тилида йилқичилик атамалари.....	126

Фанимиз заҳматкашлари

Ҳ.Ҳомидий. Тадрижийлик.....	130
-----------------------------	-----

Илмий ҳаёт

У.Ҳамдамов. Асрни бўйлаган адаб.....	133
--------------------------------------	-----